

Коммунистлар томонидан Бухоро амирига топширилган ультиматум Фитрат томонидан ёзилган эди...

Фитрат ҳозирги замон ўзбек адабиёти, фани ва маданиятининг йирик вакилидир. У комусий билимга эга олим, адабиёт назариячиси, ўткир тилшунос, ўзига хос драматург ва шоир, жанговар сиёсий публицист, ношир, журналист ва талантли давлат арбоби эди. Фитрат ўз таржимаи холида ёзишчи, 1884 йилда Бухорода тугилди (С. Айний уни 1886 йилда тугилган дейди). Отаси Абдурахимбой савдо иши билан шугулланарди. Шунинг учун чет элларга (Кашкар, Туркия, Эрон) борар, дунё ахволдан бохабар эди. Онасининг исми Бибижон эди. Фитрат бошлангич тарбияни диний мактабда олди, кейин «Мирараб» мадрасасида тахсил кўрди. Форс, араб тилларини мукамал билган Фитрат ўз давридаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга ҳам кизиқиб қаради. Ўзининг айтишича, аввал жадидлар ҳаракатига қаршилик қилди, кейин унинг моҳиятини англаб етгач, бу ҳаракатга қўшилди. Хатто ашаддий тарғиботчиларидан бирига ай-ланди. Шу жадидлар маслаҳати ва ёрдами билан Истамбулга (Туркияга) ўқишга борди ва 1909 — 1913 йилларда шу ерда истикомат қилди. Туркиядаги ҳаёти Фитратнинг дунёқараши, сиёсий онгини кескин ўзгартириб юборди. У Туркистон ҳаётига Туркиядаги ўзгаришлар (бу пайтлар «Ёш турклар инқилоби» воқеаси бўлган эди) ва илгор мамлакатлар даражасидан чиқиб қарай бошлади: диний хурофотни кескин танқид қилди, хатто динни, мактаб-маорифни ва Туркистондаги идора усулини ҳам ислох этиш гоёси билан нафас олди.

Фитратнинг 1909 йилда Истамбулда «Хиндистонда бир фаранги ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусусида қилган мунозараси» китоби босилиб чиқди (Фитрат асарини 1908 йилда ёзганини айтади). Асарнинг Бухорода босилишига амир руҳсат бермагач, Истамбулда нашр эттирган эди. Асар форсча ёзилган, уни Хожи Муин ўзбекчага айлантиради ва «Туркистон вилоятининг газетаси»да бостиради (1911). 1913 йилда алоҳида китоб холида чиқади, унга Бехбудий қириш сўзи ҳам ёзган эди. «Хибс қилиш, ўлдириш, сангсор қилиш кундаги одатлардан эди, — дейди Фитрат — у замонларда китоб ёзишнинг ўзи «кофир»-лик эди. Мен шу вақтларда биринчи асарни ёздим. Бухоронинг идора усулини, таълим-тарбия усулини, бир қуй расмий идораларни танқид қилдим. Бу китоб Бухорода тарқалар эди. Унинг ноширлари бўлгон Бухоро жадидларини таҳликага туширмаслик учун амирга қаратиб бир сўзбоши ёзди ва шунинг билан, гўё, танқиднинг унга эмас, маъмурларига оид бўлгонини кўрсатдим. Бу замондаги Бухоронинг ижоби эди. Шунинг билан мени Бухоро-ро амирининг тарафдори, дейиш ҳам мумкин эмас. Менинг Бухоро амирига қарши ҳар вақт қурашганим ва қурашган ташкилотларга раҳбарлик қилганимни билмаган йўк».

Фитрат адабиётнинг ҳамма жанрларида қалам тебрата бошлади. У 1910 йилда Истамбулда «Сайха» («Чорлов») деган шеърлар тўпламини бостирди. У ҳам форс тилида эди. «Хинд сайёҳининг қиссаси» ҳам форсча ёзилиб, 1912 йилда Истамбулда нашр этилди. Фитрат Туркиядан қайтгач, Бухоро, Самарқанддаги кизгин адабий жараён, маданий, маориф ишларига ва сиёсий ишларга аралашиб кетди. Самарқандда 1917 йилдан чиқа бошлаган «Хуррият» газетасига (27—87-сонларига) муҳаррирлик қилди. Газетада миллий мустақиллик гоёсини тарғиб этди. Большевиклар ҳаракатини ёқлаш керакми ёки йўқми, унга қарши туриш керакми, деган масала кун тартибда турган

пайтда Фитрат большевикларни ёклаб, «Хуррият» газетасида бош макола эълон килди. «Маколада, — дейди Фитрат, — курашнинг кайси томонига кўшилиш керак?» деган саволни кўйиб, ўзим сўл томонга кўшилишни ёкладим. Бу курашнинг «ўнг» томонидан бизга хайр йўқлигини даъво килдим. Менинг бу даъватим каромат эмас, тажриба натижаси эди, чунки Бухоро амири билан бўлган жанжалимизда муваккат ҳукуматнинг тўппа-тўгри амир томонидан турганини, бизнинг эса, рабочийлар томонидан, ишчи-дехкон-солдат депутатлари Совети томонидан химоя килинганимизни ўз кўзим билан кўрган эдим ва коммунистлар фиркасининг миллат масаласини бутун дунёдаги сиёсий фиркаларга кўра тўгри хал килгонини яхши билар эдим. Менинг мухаррирлигим остида чиккан мазкур «Хуррият» газетаси Самарканд жадидларининг ношири афкори эди, сўнг замонларда бир бойнинг пули билан чиқар эди. Мен шунга карамасдан газетамни большевикларга хайрихоҳ бир нуктада саклашга тиришдим, большевиклар маколаларига ўрин бердим. Самарканддаги ишчилар ташкилоти билан «Шўрои ислом» орасидаги курашда ишчилар ташкилотининг ношири афкори каби ҳаракат килдим». Кўкон Мухторияти тузилганда (1917 йил ноябрь) Фитрат Самаркандда эди. Шу ердан унга аъзо килиб сайланади. «Кўконга бормадим. Мухториятнинг ҳеч бир ишига иштирок килмадим» дейди Фитрат. Аммо ўзининг «Хуррият» газетасида бу воқеани юракдан кувватлаб макола эълон килади: «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳкир этилдик. Кўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз коп-ланди. Еримиз босилди. Молимиз таланди, шарафимиз емурулди. Номусимиз гасб килинди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди. Тўзимли турдик. Сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйругга бўйин сундук. Бутун борлигимизни кўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадук, ёшунтурдук, имонларимизга ўраб сакладук. Бу — Туркистон мухторияти.

Махкама эшиқларидан йиглаб кетганда, ёруксиз турмаларда ётганида, йирткич жандарманинг тепкуси билан йикилгонда, юртларимиз ёндурулгонда, диндошларимиз осулгонда онгимиз йўқолди. Миямиз бузилди. Кўзимиз ёгдусиз колди. Бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда тушқун рухимизни кўтармак учун, шул коп-кора дунёнинг узок бир еринда ойдин бир юлдуз ялқиллаб турар эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўрар эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти» («Хуррият», 1917, 5 декабрь).

Фитрат Бухорога бориб Колесов воқеасига (Туркистон халк Комиссарлар Кенгашининг раиси Ф.И. Колесов отряди билан ёш бухороликларнинг биргаликда амирликни ағдариб ташлаш учун килган курулли кўзголони) аралашади. Кўзголончилар томонидан Бухоро амирига топширилган ультиматум Фитрат томонидан ёзилган эди (1918). Бу пайт Фитрат Бухоро компартиясининг аъзоси эди, 1919 йилда эса Марказий Комитет ва кейинча Сиёсий Бюро аъзоси бўлган. Колесов мағлубиятидан кейин у Тошкентга келади ва Афғонистоннинг Тошкентдаги элчихонасида таржимонлик килади (1919 — 1920), Бухоро большевикларининг «Тонг» журнаliga мухаррирлик килади (у Тошкентда нашр этилар эди, 1920). 1918 йил охирида «Чигатой гурунги» ташкил этилади. Фитрат унинг раҳбарларидан ва фаол аъзоларидан бири эди. Бу ҳаракатнинг вужудга келишига зарур сабаблар бор эди: мактабларда усмонли тил ва усмонли адабиёт она тили ўрнида ўкитила бошланади, ўзбек тилинингмавқеи тушиб кетади. Фитратнинг таъкидлашича, «Чигатой гурунги» ўзбек миллатчилиги: ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида пантуркист тўдаларга ва шунга берилган жадидларга карши курашди... «Чигатой гурунги» ўз замонида пантуркизм, панисломизм ҳаракатларига карши курашмоқда эди. Фитрат 1921 йилда Бухоро ҳукуматида Халк маорифи ноziри, кейин Хорижия ноziри, халк хўжалиги Кенгашининг раиси, жумхурият Марказий ижроия кўмитасининг

ўринбосари, халк нозирлари Шўросининг муовини, ҳукумат режа ва харж-сарф ташкилий хайъатининг раиси каби масъулиятли вазифаларда ишлаб, Бухоронинг равнаки учун кўлидан келган ёрдамни аямади. Айни пайтда Ф. Хўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати раҳбарларининг миллатнинг тараккиёти учун олиб борилаётган кенг кўламдаги яхши ишлари Москвага ёкмади. Москва Бухоро ҳукумати таркиби бой, савдогарлардан иборат бўлиб қолган, деган айбни кўйиб, ҳукумат аъзолигидан беш кишини, жумладан Фитратни ҳам чакиради (1923 йил июндаги Пленумда). Фитрат Москвага кетишга мажбур бўлади. У ерда Шарк тиллари институтида илмий ходим бўлиб ишлади (1923 — 1924). Шу йиллари унга профессорлик унвони берилди.

Фитрат Москвадан қайтиб келгач, Бухоро, Самарканд, Тошкент университетларида дарс берди. Ўзбекистон Давлат илмий-тадқиқот институтида, Тил ва адабиёт. институтида, Ўзбекистон Фанлар комитетида ишлади. Бу йиллари катор бадиий асарлар билан бирга жуда кўп илмий асарлар яратди. Аммо Фитратнинг миллатпарварлиги большевиклар ва шўро ҳукумати раҳбарларига ёкмас эди. Уни Чўлпон, А. Кодирий, У. Носирлар билан бирга миллатчиликда айблаш тобора кучайди. Фитрат Бухорода ишлаганда у ерда Ёш бухоролик инкилобчилар фиркаси ва Бухоро коммунистлар фиркаси бор эди, у коммунистлар фиркаси томонида турди, кейин ҳам, Тошкентда бўлган вақтида ҳам шу йўналишда ишлади. Фитратнинг ўзи «Мен ўзбек миллатчиси бўлган замонларда (миллатпарвари демокчи) хар вақт Шўро ҳукуматига ва коммунистлар фиркасига хайрихоҳ бўлиб турдим», дейди. Афсуски, коммунистик идеал учун, хакикат, адолат, маориф, фан, маданият ва миллат тақдири учун туну кун меҳнат қилган бундай улуг зотни шу партия, шу шўролар ҳукумати камокка олди, у 1938 йил 4 октябрда А. Кодирий, Чўлпонлар билан бирга ваҳшийларча отиб ташланди.

Фитрат кўп киррали ижодқордир. Бу — унинг лирикаси, драматургияси, публицистик ва илмий маколаларидир. Аммо шуни айтиш керакки, Фитрат ҳамма жанрларда ҳам битта, ягона қалби билан намоён бўлади: у бадиий ижодда ҳам, илмда ҳам, ижтимоий фаолиятида — давлат ва жамоат арбоби сифатидаги хатти-харакатида ҳам бир мақсад, бир орзу-армон билан нафас олди. Бу — халқни жаҳолат, тургунлик, гафлатдан уйғотиш, илм-маърифатга қорлаш, эркин, озод, бахт-саодатли ҳаётга, биринчи навбатда, миллий мустақилликка эришишга қорлашдир. У ўзбекнинг ўзлигини таниши, ота-боболари каби улугвор кашфиётлар қилишга, бирлашган, қучли, қудратли давлат тузишга ва дунёнинг илгор маданиятли мамлакатларига етиб олишга чақирди. Бутун ижоди халқнинг қалб кўзини очишга ва меҳнат, ўқиш, яратиш, қурашга — инкилобга даъватдан иборатдир.

Фитратнинг илк тўплами «Сайха»нинг фазилати, Файзулло Хўжаев таъкидлаганидек, «Бухоро мустақиллиги гоёси ёркин миллий шаклда биринчи бор ифодалаб берилиши эди». Шу тўпайли бу тўпланинг Бухорода босилишига амир Олимхон қаршилик қилади. Шунга қарамай «Сайха»ни 1910 йилда Туркияда (Истамбулда) ўз хисобидан нашр эттиради. Тўпландаги шеърлар форс тилида, ундан 15 тачаси ўша вақтларда (1914 йил) «Садои Туркистон» газетасида ўзбекча изохи билан босилади. Тўплани Ватанга муҳаббат, халқ гам-гуссасига ачиниш ва зулмдан қутулишга ундаш туйғуси билан йўғрилган.

Ҳам моҳи мангу осойиши, иззу шарафи ман,
Ҳам қаъбаи ман, қиблаи ман, чамани ман.

(У — менинг осмондаги осойишта ойим, иззатим, шарафим. У — менинг саждагохим, жону танимдир).

Фитратнинг «Учкун» деган тўплами чикканлиги тўгри-сидаги хабар ҳам матбуотда босилган (1923), аммо у топилмаган. Республика матбуотида, «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида (1922) катор шеърлари босилган. Гарчанд Фитрат форс, араб тилларини яхши билсада, ўз шеърларида иложи борича уларни ишлатмасликка ва содда ўзбек тилида ёзишга интилди. Унинг устига Фитрат ўз бадий ижоди ва илмий маколалари оркали бармоқ вазнининг кулайлиги ва кенг имкониятларини таргиб килади. «Бир оз кул», «Ишкимнинг тарихи», «Яна ёндим», «Ўкитувчилар юртига», «Кора» каби шеърлари соддалиги ва ички туйғу ва кечинмаларни хакконий ифодаб бериши билан жозибалидир. «Ўкитувчилар юртига» шеърида элни маърифат, хакикат йўлига йўналтириш, жахлатга карши курашишга даъват этади:

Оркадошлар жангли ўйин йиккали,
Эл кўзини олгон коронгу пардаларни йиккали,
Биз эрурмиз маърифат арслонлари, илм эрлари,
Тўпланайлик, туринг, элга тўгри йўллар очгали.
Эллари махвдан куткарон илм эрур,
Бизларни ҳам бу кундан ўзи куткарур.
Биз эрурмиз элнинг инсонлик конии кайнатувчи,
Турк арслонин ўринсиз уйкудан уйгатучи,

Фитратнинг энг машхур шеърларидан бири «Миррих юлдузи»га деб номланади. Бу шеър унинг бошига кўп кул-фатлар солади, уни миллатчи деб айблашда яна бир кўшимча дастак бўлиб хизмат килди. Шеърда Фитрат юлдуз бахонасида Оллохга мурожаат этиб, большевикларнинг, боскинчи рус аскарларининг вахшийликларини фош этади ва юртдошларини уларга карши кайрайди:

Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар.
Ўрток конини конмай ичган зулуклар,
Кардош этин тўймай еган коплонлар?
Борми сенда ўксус, йўксулнинг конин —
Гурунглашиб — чоғир каби ичганлар?
Борми сенда бутун дунё тузугин
Ўз копчигин тўлдиргани бузганлар?
Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз козонин кайнатувчи хоконлар?
Борми сенда корин, курсок йўлида,
Элин, юртин, борин-йўгин сотганлар?

Мана шу мисраларнинг ўзиёк Фитрат шеърларининг миллий уйғониш ва инкилобий руҳда эканлигидан далолат беради.

Фитратнинг «Сайёх хинди» («Хинд сайёхининг киссаси») насрий асари 1912 йилда босилди. Бу асарнинг ахамияти унинг шеърияти ва драматургиясидан колишмайди. Асарда жахон халклари, илгор мамлакатлар фукароси кўзи билан Бухоро, умуман

Туркистоннинг давлат тузумига, тартиб коидасига, халкнинг турмуш тарзига, иктисодига, сиёсатига, мафкураси, маданиятига, маорифига назар ташлаб, улардаги ибратли жихатларни кўллаб-куватлаб, иллатларини беаёв фош этган. Фитрат асарда Бухоро хаётини беш кўлдай билиши, унинг ривожига гов бўлган барча иллатларни бартараф этиш чораларини кўрсатиб бера олишини намоиш қилади. Асардаги сайёх номидаги шахс («Мен») Фитратнинг ўзидир, у бирор шахс билан — мезбон билан сухбат қилиш, мунозара этиш жараёнида ўзининг эзгу фикр, тилак-армонларини айтади. Асарни Бухорони, умуман Туркистонни тараккиёт йўлига олиб чиқиш дастури дейиш мумкин. «Уламо» бобида Бухоронинг илм маркази бўлганлигини таъкидлагани холда энди ортда — жаҳолат боткогида ботиб қолганлигини айтиб, шу бухороликларга бошқалар ҳам «Жаҳолат ва гафлат боткогига ботдилар», «бугунги хақиқий илмдан мутлако хабарсизлар», дейди. «Умаро» бобида эса амалдорлар «хукмронлик отига миниб, бечораю бадбахт халкнинг мол, жон, арз, номус ва шарафини шафкатсизларча поймол этадилар», дейди. Фитрат иллатларни жуда асосли, шафкатсиз таҳлил қилади: ховулардаги ифлос сувлардан ичиш — касалликларни ичишдир, сохта мазорларга эмас, факат Оллоҳга сизини лозим дейди. Мутаассиб рухонийларнинг ҳадисларда йўқ гапларни ташвиқ қилишларини танқид қилиб, ўзининг Куръон, ҳадисларни, Имом Исмоил Бухорийни чуқур билишини намоиш қилади: Бухорода нечта мадраса борлиги, уларнинг номлари ва «оламга тўрт юз олимни ҳадя этгани» гача, ҳозир эса чўкиб қолганини гапирди.

«Эй бечора миллат. Буларнинг барчаси мажбуран шаърийлаштирилган ҳуқуқлар бўлиб, сен ана шу зўравонлар — қонингни сўрувчи, хонумонингни қўққа совурувчи, шараф ва номуснинг бунёдига ўт қўювчи кишилар тарафдорисанки, хали ҳам буни тушунмайсан! — дейди. Яна бир жойда «Хаммага маълумки, ҳар бир миллатнинг тараккиёти учун илм асосий сабабдир. Сизнинг илмингиз йўқ», дейди.

Фитрат тижорат ва бой бўлишни тарғиб этади, аммо бойликка сажда қилиш, имон-эътиқодни, инсофни йўқотишни қоралайди. Шариат пешволари тижоратни, бойликни қоралайди, дейишади. Фитрат пайгамбаримиз «камбағаллик қофирликка яқиндир» деган эди дейди ва факат нафснинг тийиш кераклигини уқтиради («Тижорат масаласи башариётнинг ҳаёт-мамот масаласидир» дейди Фитрат). Асарда халқни бирлашишга, завод-фабрикалар қуришга, тижоратни ривожлантиришга чақиради. Фитрат яхшигина иктисодчи ва доно сиёсатчи эди. «Шарқ сиёсати» (1920) китобида «Мусулмон дунёси оёқлари остида йиқилгон, тебраниб, талпиниб турадир» деяро экан, Туркистоннинг инглизлар қўлига тушмаслик ва тараккий қилиши учун Россия билан яқинлашиши кераклигини айтади: «Мусулмон дунёсини Оврүпо жаҳонгирларидан қутқармоқ керак. Лекин мусулмон дунёси билимсиз, онгсиз, ҳунарсиз қолгон: бирлиги йўқ, иш йўлла-рини билмайдир, уруш яроғи йўқдур, шунинг учун Оврүподаги қучларнинг бириси билан қўшулардан бошқа чора йўқ», шунинг учун «Русия Шўролар ҳукумати билан келишмак, бирлашмак керак» дейди.

Бу кўчирмани келтиришимизнинг боиси яна шундаки, 1920 йилда «Чин севиш» ва ундан ўч йил кейин 1923 йилда «Хинд ихтилолчилари» фожиасини ёзади. Бунда инглиз босқинчиларидан Хиндистонни озод қилишга қиришган ёшларнинг қураши, жасоратини кўрсатади. Бу гоё «Чин севиш» пьесасида ҳам олға сурилади. «Чин севиш» Фитратнинг сиёсий-фалсафий йўналишдаги қучли асаридир. Фитрат тасаввуф, нақшбандлик, яссавийчилик тўғрисида теран рисола, мақолалар ёзган. «Чин севиш» да буларнинг таъсири сезилади. Асарда инглиз босқинчиларига нисбатан, капитализмнинг ахлоқ

бобидаги кусурларига, Оврупонинг мусулмон дунёсига бўлган душманлик сиёсатига нисбатан нафратини ифодалайди. Фитрат Овруподан давлат тузуми, фан-техника соҳасидаги барча ютуқларни ўрганиш, ўзлаштириш тарафдори. Аммо у ерда меҳр-шафкатлиликини бир чеккага суриб бутун чоралар билан фойда кетидан кувишни, пулга, олтинга сажда қилишни каттик танқид қилади. Асар қахрамони Каримбахш «Оврупода билим бор, лекин инсон йўқ. Оврупонинг билими коплоннинг тиши, тирноғи қаби бир нарсадир. Кучсизларни йиртиб емак тўғрисида кўп иш кўрмишдир», дейди. Асардаги Ватани озодлиги учун жонини тиккан йигит Нуриддиннинг Зулайхога бўлган ишки сўфиёна ишк —чин севишдир. Мажнунлар ишки сингаридир. У севгилисига жисмонан етишишдан кўра юкорирок тилакни — рухий бирлашишни орзу қилади. «Оврупода рух йўқдир. Улар руҳоний лаззатдан бир нарса англаёлмайдилар. Чин севиш ва хақиқий ишкнинг туб ери Шарқдир. Мажнун, Фарходлар қаби ишк пайгамбарлари Шарқда етишдилар. Бутун Овруподаги ишк отини олган холлар хайвонлик хаваслардан бошқа нарса эмасдир», дейди. Албатта, Фитрат бу ерда Овруподаги бешарм, яланғоч, ибосиз севгини, айш-ишрат ва бойиш манбаига айланган сохта муҳаббатни, хайвоний хирсни назарда тутмоқда.

20-йиллар охири ва 30-йиллар бошида Фитратни миллатчиликда айблаш ҳаракати авж олган пайтда пьесаларидан ҳам дастак сифатида фойдаланганлар. Айниқса Х. Олимжоннинг Фитрат тўғрисидаги каттагина мақоласида «Чин севиш», «Хинд ихтилолчилари», «Темур соғанаси» (бундан бир парча қолган ҳолос) пьесаларидаги барча фикр-ғояни шўроларга қарши айтилган, деб даъво қилган. Аслида ҳам Хиндистон ва инглизлар масаласи ўша даврнинг кун тартибида турган масала эди. Фитрат шу ҳолатдан фойдаланиб туриб, босқинчиларга, айниқса, босмачилик ҳаракати, яъни халқ озодлиги кураши авж олган пайтни, ўша даврдаги қиргин, адолатсизликни назарда тутиб, халқни миллий мустақиллик, озодлик курашига чақиради. Фитрат пьесаларида шу рамзийлик, имо-ишора усули кенг қўлланилган. «Хинд ихтилолчилари»да Раҳибхаш ва унинг севгилиси Дилнавоз, қаландар Лола ҳардиёл қаби фидойиларнинг ватанпарварлигини кўрсатиб беради. Асардаги жуда кўп гаплар сўзсиз «қизил империя»га ҳам қарши қаратилган эди: «Инглизни Хиндистондан қувмок эзгу ишларнинг биринчисидир», «Қуръонни хайвон тепқисидан қутқаришдек буюқ», «...чўққани масжиддан ҳайдаш қаби эзгу» иш лозим, «улар таловидан қутулмок учун бирлашмок» керак, «Бу кун ўлкада қўйдан ортик одам қесиладир», «Масжидда номоз учун йигилганлар — сиёсий йигин ясогон бўлиб, тўпго боғланар эди, эр билан хотин ўзаро кўпроқ гапирганда ҳуқуматга қарши бўлиб, дорга осилар. Бу кун устидагина шу ўлкага қараганда, йиқилгон шаҳарлар, ёндирилган қишлоқлар, талангон уйлар, қесилгон бошлар, осилгон гавдалар, тўқилгон қонлардан бошқа бир нарса кўрмаймиз...»

Пьеса юртдошлари учун бир сабоқ, дастур, қорлаш, ундов эди. Асарнинг «Йирткичлардан элимизни қутқарамиз», деб тугатилиши ҳам бежиз эмасдир. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедияси 1924 йилда Москвада нашр этилади. Трагедия қарчанд XVIII асрда яшаган аштархонийлар сулоласининг сўнгги вақили Абулфайзхон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилсада, аслида босмачилик даври руҳиятига ҳамоҳанг эди. Драматург тож-тахт ва шох, тож-тахт ва адолат, тож-тахт ва халқ тақдири, мамлакат тақдири масалаларини кўяди. Зулм, адолатсизлик, зўравонлик мамлакат ва халқни қароб қилишини кўрсатиб беради: қолим шох, қолим амалдорнинг тақдири қожиали яқунланиши ва қарат адолатли ҳуқмдоргина халқ, юртга тинчлик, бахт-қоодат бериши мумкин, деган ғоя олға сурилади. Шу жиҳати билан асар 20-йиллардаги юртдаги қиргин,

зўравонлик ва уни келтириб чиқарган тузум билан жипс боғлангандир. Абулфайзхон факат кон, зулм эвазига тахтга чиқади ва шу йўл билан хукмронлик килади. У акасини, ота ўрнидаги Фарход оталикни, дўстларини ўлдириб, тахтни эгаллайди, бу килмиши туфайли бемалол ухлай олмайди, доим кўркув, тахликада яшайди. Бу ҳақда шундай дейди:

«Ортук ҳеч кимнинг менга ишончи колмади... Буларнинг ўзи йўлга келиб, менга душманлик килмокни ташласа, нима бўлур? Йўк... Йўк... Буларнинг ўзи йўлга келмайдир. Ўлдираман, ўлдираман. Дунёда битта душманим колмагонча, кон тўкаман. Улфатнинг сўзи тўгри. Подшолик кон билан сугорилатургон бир ёгочдир».

Сарой ахли Хақимбий бошчилигида Абулфайзхонга қарши туради. Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухорони олиш учун йўлга чиқади. Суянчиги йўк Абулфайзхон унга қарши курашмокчи бўлади. Хақимбийлар қучи, қуроли йўк, ноиттифок хоннинг бу йўлини қувватламайди. Нодиршоҳ билан музоқара олиб бориб, тинч йўл билан таслим бўлиш фойдали эканлигини айтишади ва шунга қарор қилишади. Нодиршоҳ гоят уста хукмдор бўлганлиги учун Бухорони олишга эмас, балки у ерга меҳмон бўлиб келаётганлиги ва Абулфайзхонни ўз ўрнида қолдиражагини айтади, совгалар келтиради. Лекин Хақимбийлар бу хийлани билишиб, Абулфайзхонни ўлдиради, фарзандларини хибсга олади. Унинг ўрнига Абулфайзхоннинг 15 яшар ўгли Абдулмўминни хон қиладилар. Раҳимбий унга захар бе-риб ўлдириб, ўзи тахтни эгаллайди, у ҳам қиргин бошлайди.

Фитрат ижодида диний мавзуда ёзилган қатор рисола, мақола, ҳикоя ва пьесалар бор. «Киёмат» (1924), «Меърож», «Зайнабнинг иймони», «Оқ мазор», «Қийшиқ эшон», «Зайд ва Зайнаб» каби фантастик ҳикоялар (1928—1932), «Шайтоннинг тангрига исёни» (1924) ва «Рўзалар» (1930) пьесалари шулар жумласидандир. Адабиётшунос Б. Қосимов «Шайтоннинг тангрига исёни» асари тўғрисида тўхталиб, «Айрим тадқиқотчилар унда атеистик оҳанглар кўрадилар. Бу, бизнингча, тўгри эмас. Унинг ҳаёти ҳам, фаолияти ҳам бундай дейишга имкон бермайди. У динга эмас, аксинча динсизликка, имонсизликка, эътиқодсизликка қарши. Айни пайтда мутаассибликнинг ҳам душмани», дейди. Бу олим ҳатто мазкур асарда ёзувчининг Октябрь инқилобига муносабати ақс этган фикрни ҳам ўртага ташлайди. Бу олимнинг «Айни пайтда мутаассибликнинг ҳам душмани» деган гапида жон бор. Фитрат исломга эътиқод қўйган, унинг тарихини чуқур билган шахс эди. Мадрасада ислом тарихидан дарс ҳам берган ва «Мухтасар ислом тарихи» (форсчадан ўзбекчага қилинган таржимаси 1915 йилда нашр этилган) рисоласи бунинг исботидир. Рисолада на ислом ва на пайгам-баримиз шаънига бирор оғиз танқидий гап йўк, аксинча пайгамбаримиз сифатларини махсус таърифлаб, ибрат қилиб кўрсатади:

«Ҳазратнинг ахлоқ ва одоблари бисёр мақбул ва қомил бўлгон, ҳеч вақт ёлгон гапирмаганлар, ҳеч қимга хиёнат қилмаганлар, ноинсофлик, мурувватсизлик ва беҳаёликдан йироқ эдилар», у «энг олий ҳулқ ва раҳимли сифатларга эга бўлгонлар. Раҳим ва шафқат, қарам ва саховат, мадад ва илм бобларида оламга машҳур бўлгонлар, беҳуда газабга қелмас эдилар. Дин ишларидан бошқа масалаларда жузъий қамчиликларни қечирар эдилар. Инсоф доирасидан бир қадам ҳам ташқарига қикмас эдилар, ҳар қаснинг билими ва имқониятига қараб иш буюрардилар. Ҳеч қасдан ҳеч нарсада тамағир бўлмоғонлар ва садақа ҳам олмағонлар», дейди.

Фитрат «Хинд сайёҳининг қиссаси» асарида Бухорода икки юзга яқин мадраса борлиги, унинг уч тоифага рўйлиниши ва барча мадрасаларнинг номини бирма-бир қнайди. У бу мадрасалар энди «разолат уйига» айланиб қолганини, бу ердаги уламолар «мазлум халқларнинг қонини ичиб келаётганини» қаҳр ва алам билан ёзади. «Рўзалар»

пьесасида сохта эшон ва козиларни одамларни согми-касалми, бундан катъи назар, мажбуран рўза туттиришлари, ўзлари эса яширинча овкатланиб, кўкнори еб юришларини фош этади. «Ок мозор» хикоясида ҳам инникобидаги юлгич, товламачи хожини кўрсатади. Етти бор хаж килган бу одам эшаги ўлгач, уни кўмиб, авлиёнинг мозори деб гап таркатади. Газабланган халк уни козига олиб боради. Кози газаб билан уни сўрок килади. Шунда хожи ўттиз сўм пора бериб, «буни эшагим «Кози бобомга бер», деган» дейди. Кози «Рахматликнинг бошка васиятлари йўкми?» дейди ва хожини химоя килади. Кўринадики, бу хикояда ҳам дин эмас, балки уни сотиб еювчиларни коралайди. «Кийшик эшон» хикоясида ҳам «зарани дин билан куролланган хоинлар»га каратади. «Шайтоннинг тангрига исёни» асари юзаки караганда амона билан жипс боғланмагандай ва ундаги шайтон образи ислом адабиётида, айникса, Куръон, хадислар, халк ижодидаги талкинга хамохангдек туюлади. Чукуррок эътибор берилса, замона билан якиндан боғлангани ва шайтон образини, анъанавий йўлдан бормай, янгича талкин килганини сезиш мумкин. Фитрат «Шайтоннинг тангрига исёни»да ўша огир вазиятдан келиб чикиб, доим салбий маъно кўтариб юрган Шайтон образига ижобий мазмун юклайди. Шайтон одамга караб туриб, «Сен эслик бўл, туша колма тузокка», дейди. Худоба караб:

Узок бўлсин, мен юраман бу кун шод,
Туткунликдан, кулликдан-да озод.
Рахбарим фан, пайгамбарим билимдир.
Топингумдир ёлгизгина ўзига,
Ёлгиз ўзим кутилдим деб юрмайман,
Бошқалардан хабар олмай юрмайман

(Одамни кўрсатиб)

Буни дахи куткаргумдир кўлингдан,
Чикаргумдир сенинг янглиш йўлингдан.

Ўзини эркин хис килган Шайтоннинг озодликка, илм-фанга чорлаши, хаётга очик кўз билан караб, ўз кучига суяниб иш тутишга ундаши, албатта, Фитратнинг билвосита, киноя, кочириб йўли билан айтган фикрларидир, дардидир. Фитрат ижодининг яна бир асосий йўналиши унинг илмий асарларидир. У хам талантли адабиётшунос, хам кучли тилшунос эди. «Ўзбектили грамматикаси» («Сарф», «Нахв», 1924 — 1930 йилларда олти марта нашр этилди), «Тожик тили грамматикаси» (1930) ва «Тилимиз» каби тил хақидаги ўнлаб маколалари унинг зўр тилшунос бўлганлигини кўрсатади. Адабиёт соҳасидаги фаолиятига назар ташласак, унинг ўзбек ва форс адабиётларини, адабиёт назариясининг чукур билимдони эканига ишонамиз. «Эски ўзбек адабиёти намуналари», «XVI асрдаги сўнги ўзбек адабиётига умумий бир караш», «Чигатой адабиёти» ва Яссавий, Навоий, Мухаммад Солих, Машраб, Турди, Фуркат, Муқимий, Нодира, Умар Хайём, Фирдавсий, Бедил хақидаги ва назарияга доир, «Адабиёт коидалари», «Аруз хақида», санъатнинг келиб чиқиши ва шеърят, ўзбек мусикаси тўғрисидаги асарлари унинг илмий куч-кудратининг зўрлигини тасдиқлайди. Машраб тўғрисидаги маколасида «каландар» деб кимларнинг иши-ни, уларнинг максоди, яшаш тарзи, кийим-кечаги, соч-соқоли, хуллас, театр режиссёри, рассоми учун

каландарнинг киёфасини яратишда тайёр намунани кўрсатиб, таърифлаб беради. Ёки «Тилимиз» маколасида ўзбек тилининг ашаддий таргиботчиси ва химоячиси сифатида кўринади. Битта «бил» ўзагидан 98 та сўз яшаш мумкинлигини ва туркий тилнинг сўз бойлиги форс, араб тилларига нисбатан кўпроқ эканлигини таъкидлаб бундай дейди: «Араб, форс, рус, немис, француз тилларидан кай бирининг сарф (морфология демокчи) китобларини олиб карасак, кўрамизки, бир сўзни ясамоқ учун бир канча ёзилгон, ундан сўнг шул коидадан ташкари колгон (мустасно) сўзлар деб тўрт-беш сўз кўрсатилган. Турк сўзларида эса бундай сўз топилмайдир... Тилимизнинг авжй тўгрисида ҳам бойлиги, тугаллиги билиндими? Энди сўзни туркчанинг бахтсизлигига кўчираман. Турк тили шунча бойлиги, шунча тугаллиги билан бахтсизликдан кутула олмашидир. Турк тили дунёнинг энг бахтсиз тилидир», деб араблар, форслар хукмронлиги даврида бу тилнинг кисилганлигини айтиб, шўролар даврида ҳам эркин ривожланмаётганига очик ишора килади. Ёки Фитрат яшаган даврда Машрабнинг тарихий шахс эканлигига шубха билан каралар эди. Фитрат аниқдалилар асосида унинг афсонавий шахс эмас, балки яшаб ижод килиб ўтган улкан ўзбек шоири эканлигини исботлаб беради. Фитрат адабий ходисалар илдизини аниқ топади. Сомонийлар, газнавийлар, салжукийлар ва хоразмшоҳлар даврида форс адабиётининг «кўтарилган кисми касидачилик эди», дер экан, бу касидаларни хукмрон доира, «ўз фойдаларига ташвикот учун ишлатиш» туфайли оммавий тус олганига эътиборни тортади. Фитрат мусикани яхши тушунган, ўзи Хам чалган зот эди. У ўзбек классик мусикасини шу кадар яхши билганки, кайси куй кай пайтда — холатда чали-нишинигина эмас (макомлар ёки тароналар), айни чокда кайси асбоб кайси асбоб билан бирга чалинганда куй аниқ, гўзал чикишини ҳам айтади: «Бир гижжак товуши икки танбур товушини еб кўяди», дейди ва схемасини беради: уч танбур, бир рубоб, бир дутор, бир гижжак, бир болотон, бир кўшнай, бир чанг, бир доира бир ан-самблни ташкил этади ва х.к. Фитрат «Халима» операсига суяниб туриб ажойиб миллий опера яратиш мумкин экан, деган гоёни таргиб этади. «Шарк чолгуларидаги «мунг» Европа музикасинда йўқдир. Шунинг учун Шарк музикасида рухга таъсир Европа музикасинда рухга таъсиридан буюқдир», дейди у. Кўринадики, Фитрат адабиёт ва санъатнинг барча ту-рини нозик тушунган ва улар тўгрисида шу соханинг етук мутахассиси сифатида фикр юритган. Фитрат адабий ижоди, илмий асарлари ва ижтимоий фаолияти билан ўзбек адабиёти, санъати, фани ва маданиятига катта хисса кўшган улуг зотдир.